



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 8 июль, № 138 (9309)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июль куни АҚШнинг «BlackRock» компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесини қабул қилди.



Учрашувда стратегик шерикликни, аввало, ёқилғи-энергетика соҳасида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Компаниянинг Ўзбекистондаги лойиҳалари фаол амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари «BlackRock» компанияси билан ҳамкорлиқнинг ус-

тувор йўналишларини белгилаб берди. Хусусийлаштириш соҳасида шерикликни кенгайтириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, молия бозорини ривожлантириш, нефть-кимё тармоғидаги лойиҳаларни илгари суриш ҳамда сунъий интеллект технологияларига қўшма инвестиция киритиш шулар жумласидан.

«BlackRock» активлар ва жамғармаларни бошқариш ҳамда молиявий хизматни кўрсатишга ихтисослаштирилган йирик инвестиция компаниясидир. 2026 йилда компания бошқарувидаги активлар ҳажми 14 триллион долларга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини жорий этиш, стартаплар экотизимини ривожлантириш ҳамда телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли давлат хизматларини кенгайтириш, давлат идоралари фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулайликларни ошириш бўйича кенг қўламли ишлар баҳарилди.

Бунинг натижасида Ўзбекистон БМТнинг «Электрон ҳукумат» рейтингда 24 поғона юқорилади. 2030 йилга қадар мамлакатимизни ушбу йўналишда кучли 30 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

Жорий йилда рақамли хизматлар сони 880 тага, улардан фойдаланувчилар сони эса 15,5 миллион нафарга етиши кўтилмоқда. Таққослаш учун, 2024 йилда рақамли хизматлар сони 525 та, фойдаланувчилар сони 4 миллион нафар бўлган.

Қолаверса, давлат бошқарувида маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари турли идоралар қесимида тарқоқ ҳолда шакллангани, уларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёنларида ягона ёндашув етишмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини босқичма-босқич жорий этиш тақлиф қилинди. Мазкур тизим орқали ҳудуд иқтисодиёти, инвестиция, экология, хавфсизлик масалалари, аҳолини қийнаётган муаммолар, маҳаллаларнинг фаровонлик даражаси, фазовий маълумотлар, объектлар ва харита қатламлари ягона платформада акс эттирилди.

Платформа сунъий интеллект техно-

логиялари асосида маълумотларни таҳлил қилиш, ҳудудлар қесимида муаммоларни барвақт аниқлаш, қарорлар ижросини мониторинг қилиш, ресурсларни тўғри йўналтириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жорий йилда ушбу рақамли бошқарув тизимини пойтахтда, келгуси йилдан эса барча ҳудудларда жорий қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда товар ва хизматларни ягона миллий таснифлаш тизимини ишга тушириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Хозирда божхона, солиқ, статистика ва бошқа идоралар турли товар классификаторларидан фойдаланмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг тақлифига биноан 8-9 июль кунлари расмий таширф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Таширф дастурига мувофиқ, Минск шаҳрида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, енгил саноат, озик-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперацияни ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлади.

Маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида устувор йўналишларга доир икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, таширф арафасида Минск шаҳрида икки мамлакат ҳудудлари делегациялари ва ишбилармон доиралари иштирокида учинчи Ҳудудлараро форум ҳам бўлиб ўтади.

Ў.А.

Ўзбекистон ва Беларусь: ШЕРИКЛИКДА ЯНГИ САНОАТ ИНҚИЛОБНИНГ ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8-9 июль кунлари Беларусь Республикасида расмий таширфи бўлиб ўтади. Ушбу олий даражадаги учрашув икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидаги жуда муҳим воқеадир.

Биз ва жаҳон

Беларусь — Шарқий Европада жойлашган, бой тарихга, кучли саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятига эга суверен давлат. Мамлакат иқтисодиёти ўзига хос бўлиб, унда давлат назорати ва режалли иқтисодиёт унсурлари сақланиб қолган. Йирик саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, асосан, давлат тасарруфида бўлиб, бу уларга тизимли ва барқарор ривожланиш имконини беради. Мам-

лакат машинасозлик, кимё ва нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда етакчи ўринларда туради.

Тахминан 10 миллион аҳоли яшайдиган бу мамлакатнинг Ўзбекистонга ўхшаш жиҳати бор. У ҳам бўлса, иккала давлат ҳам денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Иккала мамлакат ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш учун транспорт-логистика йўлакларини диверсификация қилишга ҳаётий эҳтиёж сезади.



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ I ХАЛҚАРО ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар!

Ўзбекистоннинг қадимий ва меҳмондўст заминидан илк бор ўтказилаётган Ислом цивилизацияси Халқаро форумининг очилиши муносабати билан сизларни самимий табриклайман.

Дунёнинг қирқдан ортқ мамлакатларидан таширф буюрган таниқли олимлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва диний конфессиялар намоёндалари иштирок этаётган ушбу анжуманининг Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ўтказилаётгани чуқур тарихий ва рамзий маънога эга. Бу йирик халқаро тадбир жаҳон ҳамжамиятининг ислом цивилизациясига, унинг бой маънавий, илмий ва маданий меросига қизиқиш ва эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда дунё чуқур ва шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Инсоният фан ва технологиялар соҳасида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда, айни вақтда жиддий синов ва муаммоларга ҳам дуч келмоқда: моҳаролар ва ўзаро ишонсизлик кучаймоқда, бузғунчи мафқуралар, тоқатсизлик, экстремизм, исломофобия кўринишлари кенг тарқалмоқда. Маданиятлар, динлар ва цивилизацияларни бир-бирига қарши қўйиш, турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари ўртасида зиддият келтириб чиқаришга ури-нишлар авж олмақда.

Бундай мураккаб вазиятда азалдан башариятнинг тинч-тотув ҳаёти, ҳамжиҳатлик ва маърифатга интилиши, тадрижий ривожланиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиб келган эзгу тушунчалар, жумладан, исломий қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Барчамизга аёнки, бу қадриятлар асрлар давомида илмий тараққиёт, маданий юксалиш ва маънавий қамолотнинг қудратли манбаи сифатида жаҳон тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшган ва умуминсоний мероснинг ажралмас қисмига айланган.

Шу маънода, 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан Ўзбекистон илгари сурган «Жаҳолатга қарши маърифат» деган концептуал гоя оддий, аммо ўзгармас бир ҳақиқатни тасдиқлайди: бугунги одамнинг ва таҳликали дунёда фақат илм-фан, таълим ва тарбия, маданият ва юксак ахлоқий қадриятларгина Ер юзиде тинчлик, ўзаро тушуниш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва барқарор ривожланиш учун ишончли пойдевор бўла олади.

Муқаддас ислом динимиз инсонни азиз ва мукаррам билиб, ҳақиқатни излашга, илм-маърифатга интилиш, илмий кашфиётлар қилишга, бунёдкор меҳнатга, таълим, санъат ва маданиятнинг ривожлантиришга илҳомлантириб келади.

Бутун инсониятнинг умумий бойлиги бўлган бу ноёб меросда минтақамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу бепойён ҳудуд жаҳон илм-фани, маърифат ва маънавиятнинг эътироф этилган йирик марказларидан ҳисобланади. Ана шу муборак заминда асрлар давомида математика, астрономия, геодезия, тиббиёт, кимё, тарих, фалсафа, калом, ҳадисшунослик ва бошқа қўплақ илм соҳалари юксак тараққиёт этган. Хусусан, улуг ватандошларимиз — Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳонид-

дин Маргиноний сингари мумтоз алломаларнинг бебаҳо мероси жаҳон тафаккур ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Юртимиз тарихида амалга оширилган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс деб ном олган буюк юксалиш давларида эришилган ноёб илмий-маданий ютуқлар ҳозирги кунда ҳам инсониятни янги марралар сари руҳлантириб келмоқда. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан қатъият билан бормоқда.

Биз бу янги Ўйғониш даврини илм-фан, инновациялар, замонавий таълим, жамиятнинг маънавий-интеллектуал ўсиши, бой тарихий меросимизга чуқур ҳурмат ва ҳар бир инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган янги тараққиёт босқичи сифатида кўраимиз.

Шу боис мамлакатимизда ислом цивилизациясининг бой ва бетакрор меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу тизимли ишлар, аввало, ислом меросини чуқур тадқиқ этиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, фундаментал илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу жараёнда ислом цивилизациясининг буюк намоёндалари ҳаёти ва фаолияти билан бог-лик муқаддас қадимжолар ҳамда тарихий-маданий мажмуаларни қайта тиклаш ва ободонлаштириш бўйича мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Самарқанд вилоятида буюк муҳаддис Имом Бухорий мемориал мажмуасининг қайтадан барпо этилиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун мусулмон оламида энг йирик маънавий, илмий ва маърифий марказлардан бири сифатида эътироф этилаётгани бизни албатта қувонтиради. Азалдан буюк цивилизациялар, маданият ва динлар туташган Ўзбекистон замини бугунги кунда ҳам турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшайдиган эзгулик диёрига айланиб бормоқда. Ана шу очиклик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик анъаналари давлат сиёсатимизнинг асосий тамойилларини ташкил этиб, мамлакатимизнинг халқаро гуманитар ҳамкорлик, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларининг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда.

Ҳурматли форум иштирокчилари! Муқаддас Қуръони каримнинг «Иқро!» яъни «Ўқи!» деган абадий давлати дунёдаги барча эзгу ниятли кишиларнинг бугунги ва келажак авлодлар бaxт-саодатини қўлаб амалга ошираётган олийжаноб ҳаракатлари учун йўлчи юлдуз вазиёсини бажаради. Орадан неча асрлар ўтганига қарамадан ушбу илохий чорловнинг теран маъно-маъмуни ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ақинча, жадал ўзгаришлар ва технологиялар мислсиз суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда бу қақирк янада баралла янграб, айнан илм-маърифат, маънавий ва интеллектуал тараққиёт жамият раванқининг ҳал қилувчи кучи эканини бутун башариятга эслатиб турибди.

Бу муборак калом Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг асосий дарвозаси пештоқиға битилган

бўлиб, унинг олий мақсадини — ислом цивилизациясининг бебаҳо меросини асраш ва чуқур ўрганиш, шу асосда дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашдек улуг миссиясини аниқ белгилаб беради. Биз учун мазкур Марказ халқимизнинг тарихий хотираси рамзи, буюк аждодларимиз меросига бўлган чуқур эътиром ифодаси, айни пайтда Янги Ўзбекистоннинг келажакка қаратилган шиддатли интилишининг ёрқин тимсолидир.

Шу билан бирга, у очик интеллектуал макон бўлиб, ўз ҳаётини илм-фани ривожлантириш, умуминсоний қадриятларини асраш ва келгуси наслларга беэавол етказишга бағишлаган дунёдаги барча маърифатпарвар инсонларни, олим ва тадқиқотчилар, диний арбоблар ва мутахассисларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Эътиборлиси шундаки, Марказ қисқа вақт ичида ўтмиш билан келажакни, Шарқ билан Ғарбни, қадим анъаналар билан замонавий илмий ютуқларни ўзаро боглайдиган интеллектуал кўприкка айланди. Шу боис биз Ислом цивилизацияси I Халқаро форумини турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар, илмий марказлар, университетлар ва музейлар, кутубхоналар ва тадқиқот институтларининг интеллектуал салоҳиятини бирлаштирувчи глобал ҳамкорликнинг янги босқичи деб баҳолаймиз ва бу борада қўшма ҳаракатлар дастури қабул қилинишига умид билдираимиз.

Ўзбекистон халқаро ҳамкорлар билан амалга оширилаётган қўшма лойиҳа ва ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Бунинг учун Ислом цивилизацияси марказида фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро форум ва конференциялар ташкил этиш, қўшма нашрлар тайёрлаш, таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда жаҳоннинг етакчи илмий ва маданий марказлари билан кенг қўламли гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Биз илм ва маърифат замонамизнинг энг буюк бирлаштирувчи кучи эканига, унинг бунёдкорлик асоси, тинчлик ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолишига қатъий ишонамиз ва барчангизни шу эзгу мақсад йўлида ҳамкорликка чақирамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Сизлар форум доирасида Самарқанд ва Термиз сингари тарихий шаҳарларимизда буюк аждодларимизнинг илмий меросига бағишланган анжуманларда иштирок этар экансиз, юртимизда диний-маърифий қадриятларини тиклаш ва асраш, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, умуман, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларимиз билан яқиндан танишасиз. Меҳнатқаш ва меҳмондўст халқимиз вакиллари билан бўладиган самимий учрашув ҳамда мулоқотлар сизларни янги илмий тадқиқотлар ва бадий асарлар, маданий-гуманитар лойиҳалар яратишга илҳомлантиради деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин қалбдан қутлаб, барчангизга сийхат-саломатлик, шарафли фаолиятингизга ривож, форум ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум мамлакатимизда келгунини йилларда ислом маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш, илмий ўрганиш ва халқаро ҳамжамиятга кенг танитиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ўз ишини бошлаган Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми мамлакатимиз ҳаётидаги йирик маърифий ва халқаро аҳамиятга эга воқеалардан бири бўлди. «Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли» шиори остида ўтаётган анжуман турли мамлакатлардан келган давлат ва жамоат арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, диний уламолар ҳамда етакчи олимларни ягона мақсад — ислом цивилизациясининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини янада кенг тарғиб қилиш учун атрофида жипслаштирди.

Тошкент шаҳрида бошланиб, Самарқанд ҳамда Термиз шаҳарларида давом этадиган мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Имом Мотуридий, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳамда Ислом олами таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ICESCO ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларга йўллаган мурожаатини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Мурожаатда мамлакатимизда ислом цивилизациясининг бой ва бетакрор меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди.



Давра суҳбати

СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДАГИ РОЛИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги фаолияти ва парламент назоратини амалга оширишдаги иштироки: Ўзбекистон — Германия тажрибаси” мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси, Парламент тадқиқотлари институти ҳамда Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биргаликда ташкил этган тадбирда кўппартиявийлик тизими шaroитида парламент фаолиятида сиёсий ракобат ва конструктив хамкорлик ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш механизмлари тахлил қилинди, шунингдек, бу борадаги Германия тажрибаси кўриб чиқилди.

Анжуманни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳақимов ҳамда Конрад Аденауэр жамғармасининг бош қотиби Марк Шпайх кириш сўзи билан очиб, бундай мулоқотлар парламентаризм институтларини янада мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳаларида илгор тажрибалар алмашинувини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро хамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар ва сиёсий институтлар ўртасидаги тажриба алмашинуви сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Давра суҳбатига юртимизда парламентаризмин ривожлантириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш йўналишида кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилаётгани хусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, янги тахрирдаги Конституцияда парламентнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилиб, партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ва парламент назоратини амалга оширишдаги роли янада мустаҳкамланди. “Халқ — қонунларнинг ягона манбаи ва муалифи” деган тамойил миллий парламентаризм фаолиятининг бош мезонига айланган бугунги шароитда фракциялар халқ манфаатларини қонунчилик даражасида ифода этувчи етакчи сиёсий институтлардан бирига айланмоқда.

Ўз навбатида, Конрад Аденауэр жамғармаси бош қотиби М. Шпайх ўз маърузасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни катта эътибор билан кузатиб бораётганини ва уларни юксак баҳолашини таъкидлади. Шунингдек, жамғарманинг Ўзбекистон парламенти билан хамкорлики янада чуқурлаштиришга тайёргилини билдирди. Қайд этилганидек, замонавий демократик давлатларда парламент фракциялари нафақат қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда, балки ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Депутатлик сўрови, ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини айтиш, парламент текшируви каби назорат воситаларидан самарали фойдаланиш фракцияларнинг фаол ва масъулиятли иштирокини тақозо этади.

Муҳокама доирасида иштирокчилар Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро хамкорликни янада ривожлантириш, сиёсий партиялар ва фракциялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашинувини изчил давом эттириш бўйича ўзаро фикр алмашди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро хамкорликини янада мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати соҳаларида илгор тажриба алмашиш ва институционал мулоқотни кенгайтиришга қаратилган навбатдаги амалий мулоқот майдони бўлгани алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати якунлари бўйича қонун ижодкорлиги фаолияти ва парламент назоратини амалга оширишни янада тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда одил судловни амалга оширишга, чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимиини жорий этишга, касбий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштиришга, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга, сувдан фойдаланиш тартиб-таомилларини рақамлаштиришга, меҳнат соҳасида барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишга ҳамда халқаро битимларни ратификация қилишга доир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳалари сиёсий партиялар фракцияларида, масъул кўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокамадан ўтказилгани қайд этилди.

Химоячига «химоя фикри»ни тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда

Мажлисда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га қўшимча ва ўзгантиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини янада кучайтириш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Мазкур лойиҳа билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгантириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳага кўра, жиноят иши судга фақат айблов ҳулосаси ёки айблов долатномаси билан эмас, балки химоячининг фикри билан бирга киритилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, химоячига дастлабки тергов ёки суриштирув якунланганидан кейин беш сутка ичида “химоя фикри”ни тақдим қилиш ҳуқуқи берилиши белгиланмоқда. Химоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, судга қақирлиши сўралаётган шахслар ва бошқа фикрлар акс эттирилиши мумкин.

Ойбек Йўлдошев, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Киритилаётган ўзгантириш ва қўшимчалар муҳим бўлиб, суд муҳокама-ларида тенгликни таъминлаш, судьянинг иш бўйича ҳар икки томон фикри билан олдиндан та-нишишга имконият яратиш ҳамда одил судлов сифатини оширишга ҳисса қўшади. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан суд жараёнидаги тортишув принципи мустаҳкамла-ниди, адвокатнинг роли ва таъсири ор-тади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан қабул қилинди ва Се-натга юборилди.

Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими

Депутатлар “Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатларига қўшим-ча ва ўзгантиришлар киритиш тўғриси-да”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқди.

У Ўзбекистоннинг инвестициявий жо-зибадорлигини ошириш, хусусан, чет эл фуқароларининг мамлакатимиз иқтисо-диётига сармоя киритишини рағбатланти-риш, тўғридан-тўғри хорижий инвести-цияларни жалб қилишда қўлай шарт-шaroитлар яратишга қаратилган. Лойи-ҳада, шунингдек, юртимизда дуал таъ-лим тизимини ривожлантиришга қаратил-ган чоралар ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, хусусан, чет эл фуқаро-лари учун махсус солиқ режими қўлани-лиши уларнинг Ўзбекистон Республика-синдан ташқарида олган даромадларини солиқдан озод қилиш имконини беради. Бу эса мамлакатимизда хорижий инвес-торлар учун янада жозибадор муҳит яратишга йўл очади.

Руслан ЖУМАМУРАТОВ, Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳа-сида саноат корхо-наларида дуал таъ-лим шаклида таҳсил олаётган ходим-лар учун ижтимоий солиқ ставкаси 2030 йил 1 январга қадар бўлган давр-да икки баравар камайтирилиб, амалдаги 12 фоиздан 6 фоизга ту-ширилиши белгиланмоқда. Бу мил-лий иқтисодиёт учун зарур бўлган ма-лакали кадрларни дуал таълим орқа-ли тайёрлашни рағбатлантиради.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Истеъмол мuddати ўтган озиқ-овқат махсулотларини сотишга қарши чоралар кучайтирилмоқда

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя-сини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, якуний истеъмол мuddати ўтган озиқ-овқат махсулотлари-ни сотиш ёки уларнинг ишлаб чиқарил-ган санаси ва яроқлилиқ мuddати кўрса-тилмаган ҳолда савдоси билан шуғулла-ниш ҳолатлари ошиб бормоқда.

Бу эса истеъмол бозорига хавфсиз-ликни таъминлашни, аҳоли саломатли-га хавф туғдирувчи ҳолатларнинг олдини олишни, тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини янада ошириш ва ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олишга қаратил-ган превентив чораларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгантиришлар киритилмоқда. Хусусан, якуний истеъмол мuddати ўтган озиқ-овқат махсулотлари-ни, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ мuddати кўрсатилма-ган ҳолда реализацияси билан шуғулла-ниш ҳамда савдога қабул қилганини учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарима-лар миқдорини ошириш назарда тутилляпти.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Сувдан фойдаланиш рақамлаштирилади

Қўн тартибидаги навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодек-сига ўзгантиришлар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилона фойда-ланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва рақамлаштириш, соҳага ху-сусий секторни кенг жалб қилиш бораси-да тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Сув ко-дексига қўшимча ва ўзгантиришлар ки-ритилмоқда. Яъни сувдан фойдаланиш бўйича тузилаётган шартномаларни элек-трон шаклда юритиш, сув ҳўжаллиги объектларини тўғридан-тўғри давлат-ху-сусий шериклик тамойили асосида ху-сусий сектор бошқарувига бериш тизи-минни тақомиллаштириш белгиланмоқда.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳа-сини иккинчи ўқишга тайёрлаш давоми-да киритилаётган нормаларни Сув кодек-сининг сувдан фойдаланишга оид бошқа нормалари билан мувофиқлаштириш, амалдаги қонунчилик ҳўжатлари билан бирхиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди. Шунингдек, лойиҳани маромига етказишда ҳар бир норма амалиётга мос бўлиши ва сувдан фойдаланувчиларга қўлайлиқлар яратиш зарурлиги тамойили доирасида ёндашилгани ургуланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш — устувор масала

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонун-чилик ташаббуси ҳуқуқи асосида кири-тилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексига ўзгантириш ва қўшимчалар ки-ритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси би-лан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўз-гартиш ва қўшимчалар киритиш тақийф этилмоқда. Жўмладан, сувларнинг давлат ҳисобини юритиш, сув ҳўжаллиги объек-тлари ва гидротехника инъостратларидан фой-даланиш қоидаларини бузганлик у-чун жа-вобгарлиқни бевосита масъул шахсларга нисобатан қўллаш белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик мансабдор шахс то-монидан содир этилган ҳолатларда нисба-тан қатъийроқ жавобгарлик чораларини белгиллаш ҳамда тақоран содир қилин-ган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш тақлифи илгари су-рилмоқда. Шунингдек, оқова сувларни чиқариш тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари тақомиллаштирилмоқда.

Равшан МАМУТОВ, Аграр ва сув ҳўжаллиги масалалари кўмитаси раиси:

— Қайд этиш жоиз, қонун лойиҳа-сини маромига ет-казишда бугунги экологик вазиятдан келиб чиқиб сувни муҳофаза қилиш за-рурлиги ва унинг ҳисобини юритишда нафақат масъул шахслар, балки ҳар бир фуқароннинг масъулиятини белгиллаш за-рурлиги, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш-

да номувофиқликларнинг олдини олиш мақсадида нормаларни аниқ ва раванн баён этишга алоҳида эътибор қарати-лди. Мазкур қонун лойиҳаси сув ресурс-ларидан самарали фойдаланишни таъ-минлаш, соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда сув ресурслари му-ҳофазаси тизимини янада кучайтириш-га хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Халқаро меҳнат стандартлари — миллий қонунчилиikka

Мажлисда бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан киритилган “Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республи-касининг Меҳнат кодексига ўзгантириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-мод-да кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда инсон кадрини улгу-лаш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончи ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат му-носабатларини халқаро стандартлар асо-сида модернизациялаш давлат сиёсати-нинг устувор йўналишларида бирига ай-ланди. Янги тахрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг усту-ворлиги, барчанинг қонун олдида тенг-лиги ҳамда ҳар қандай камситишга йўл қўймайлик принциплари мустаҳкамланга-ни бу борадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада кучайтирди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон томони-дан ратификация қилинган Халқаро меҳ-нат ташкилотининг 111-Конвенцияси нор-маларини миллий қонунчиликка изчил жо-рий этишга қаратилган. Унга кўра, Меҳ-нат кодекси меҳнат ва машулотлар со-ҳасида камситиш белгилари қатори “те-ррасининг ранги” ва “сиёсий қарашлар” тушунчалари билан тўлдирилмоқда.

Ноиб ИНОЯТОВА, Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси:

— Юртимизда инсон кадрни устувор та-моийил сифатида барча ислохотларнинг марказига қўйилмоқда. Шу нукта назар-дан, ушбу қонун лойиҳаси Бош қомис-симизда белгиланган тенглик, адолат ва камситишга йўл қўймайлик принциплари-нинг амалий ифодаси ҳисобланади. Маз-кур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши меҳнат муносабатларида замонавий ва адолатли ҳуқуқий му-ҳитни шакллантириш-га, ҳодимлар ҳуқуқла-рининг янада ишон-чи ҳимоясига ҳамда Ўзбекистоннинг халқ-аро меҳнат стандарт-ларига содиқлигини амалда намойн этиш-га хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан қабул қилинди ва Се-натга юборилди.

Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси

тақомиллаштирилмоқда

“Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алиф-босини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзе-бикстон Республикаси Қонунига ўзганти-риш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг дав-лат тили сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натияжада ўзбек тили мам-лакат ҳаётининг барча соҳаларида, шунингдек, халқаро майдонда кенг қўлла-нилмоқда, уни ўрганмишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини соҳа мутахассислари томо-нидан олиб борилган илмий-тадқиқот иш-лари асосида тақомиллаштириш зарура-ти қўзғал келди.

Қонун лойиҳаси билан лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарф бирикмасида ўзига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топганини, шунингдек, айрим ҳарфларнинг қўланилишига аниқлик киритилиши на-зарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг амалиётда самарали ва босқичма-босқич жорий этилишини таъ-минлашга қаратилган қатор тақлифлари билдирди. Хусусан, қонун кучга киргуни-га қадар расмийлаштирилган ҳўжатлар, миллий валюта ва қимматли қозғалар-нинг амал қилиши сақлаб қолиниши, шунингдек, давлат органлари ва ташкилот-ларининг рамзий белгилари, пешлаваҳа ва кўрсаткичлари ҳамда бошқа айтибулар-дан белгиланган мuddатгача фойдаланиш тартиби назарда тутилди.

Мазкур ёндашув давлат органлари ва ташкилотларида амалда фойдаланилаёт-ган ҳўжатлар, бланкалар, пешлаваҳалар, кўрсаткичлар ва бошқа моддий восита-ларни бир вақтнинг ўзида алмаштириш заруратини бартараф этади. Натияжада Давлат бюджетни маблағлари ассосиз сарфланишининг олди олинида, қўшим-ча давлат харажатлари юзага келишига йўл қўйилмайти ҳамда алифбодига ўзга-ришларни амалга ошириш давлат орган-лари ва ташкилотлари учун молиявий жи-ҳатдан мақбул, босқичма-босқич тартиб-да таъминланади.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун

лоийҳасининг қабул қилиниши лотин ёзу-виге асосланган ўзбек алифбосини ва имло қоидаларини янада тақомиллашти-ришга ҳамда давлат тилини қўллаш ва рақамлаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан қабул қилинди ва Се-натга юборилди.

Ахборот ва киберхавфсизлик: махсус ваколатлар ва тартиблар

Навбатдаги масала — “Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тар-тиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат сирлари-ни сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосла-рини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгантириш ва қўшимча киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ахбо-ротлаштириш объектилари ва муҳим ах-борот инфратузилмаси объектиларини ат-тестациядан ўтказиш фаолиятига рўхсат бериш назарда тутилмоқда. Давлат сир-лари ёки конфиденциал ахборотни қайта ишлаш ва муҳофаза қилиш учун мўлжал-ланган техника ҳамда дастурий восита-ларни сертификатлаштириш тартиблари белгиланмоқда.

Шунингдек, ахборот тизимлари ва ре-сурсларининг киберхавфсизлигини таъ-минлаш учун қўланиладиган аппарат ва дастурий воситаларни сертификатлашти-риш тартиблари жамланган.

Бундан ташқари, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойда-ланишга ижозат бериш билан боғлиқ му-носабатлар “Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг амалда бўлиш доирасидан чиқарилиши назарда тутил-моқда.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бугунги кунда дол-зар аҳамиятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши ахборот-лаштириш объектла-рини аттестациядан ўтказиш ҳамда ахбо-рот ва киберхавфсиз-лик воситаларини сер-тификатлаштириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини та-қомиллаштириш, давлат сирларини му-ҳофаза этиш самарадорлигини ошириш ва соҳада қонунчиликнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юбо-рилди.

Халқаро Битим ратификация қилинди

“Ўзбекистон Республикаси билан По-кистон Ислом Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида Бит-имини (Исломобод, 2026 йил 5 фев-раль) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур Битим муқаддима ва 25 та моддадан иборат бўлиб, жиноят содир этганлиги учун озодлиқдан маҳрум қилинган чет эл фуқароларига тайин-ланган жазони ўз давлатида ўташ им-кониятини яратади. Бу эса маҳкумлар-нинг ижтимоий реабилитацияси ва қайта тарбияланишига қўмақлашади.

Битимга мувофиқ, бир давлат ҳуду-дида судланган ва бошқа томоннинг фуқароси бўлган маҳкум, белгиланган шартлар асосида жазонинг қолган қис-минини ўз мамлакатига ўташ учун ўтқа-зилиши мумкин. Бунда ҳўкумин ижро этувчи давлат маҳкумнинг аҳолини оғирлаштирмаган ҳолда жазонинг қол-ган қисми ижросини таъминлайди. Маҳ-кумини топшириш ҳўқи қиқарган давлат судининг қонуний қушга қирган қарори асосида амалга оширилади. Ҳўкумин ижро этувчи давлат эса мазкур ҳўқига мувофиқ маҳкумнинг жазонинг қолган қисминини ўз ҳудудида ўташини таъмин-лайди.

Битимга кўра, маҳкум ҳўкумини ижро этувчи давлатга топширилгандан ке-йинги барча харажатлар ушбу давлат томонидан қопланади. Агар маҳкум транзит орқали олиб ўтилса, бу билан боғлиқ харажатлар транзит амалга оши-рилаётган давлат зиммасига юклати-лади.

Шунингдек, Битимда маҳкумини топ-ширишнинг рад этиш асослари, ҳўкумини қайта кўриб чиқиш, афв ва амнистия қўллаш, жазонини енгиллаштириш ёки жа-ннингдек, давлат органлари ва ташкилот-ларининг рамзий белгилари, пешлаваҳа ва кўрсаткичлари ҳамда бошқа айтибулар-дан белгиланган мuddатгача фойдаланиш тартиби назарда тутилди.

Мазкур ёндашув давлат органлари ва ташкилотларида амалда фойдаланилаёт-ган ҳўжатлар, бланкалар, пешлаваҳалар, кўрсаткичлар ва бошқа моддий восита-ларни бир вақтнинг ўзида алмаштириш заруратини бартараф этади. Натияжада Давлат бюджетни маблағлари ассосиз сарфланишининг олди олинида, қўшим-ча давлат харажатлари юзага келишига йўл қўйилмайти ҳамда алифбодига ўзга-ришларни амалга ошириш давлат орган-лари ва ташкилотлари учун молиявий жи-ҳатдан мақбул, босқичма-босқич тартиб-да таъминланади.

Гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича хамкорлик

“Шанхай хамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Шанхай ҳам-корлик ташкилотининг Гиёҳвандликка

қарши курашиш маркази тўғрисидаги Битимни (Тяньцзинь, 2025 йил 1 сен-тябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Шанхай хамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасидаги кўп то-монлама хамкорлиги изчил ривожлан-моқда.

Шунингдек, мамлакатимизда миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари ҳамда кучли таъсир этувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш, жавобгарликни кучайтириш бо-расида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ги-ёҳвандлик воситалари, психотроп мод-далар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи глобал муаммо бўлиб, мам-лакатларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Ушбу ҳолатлар ШХТ ҳудудидаги мамлакатларда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича биргаликда чора-тад-бирлар амал

Ўзбекистон ва Беларусь:

ШЕРИКЛИКДА ЯНГИ САНОАТ
ИНҚИЛОБИНИНГ ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Беларусь ўз ташқи савдо-сида, асосан, Россия ва Болтиқбўйи давлатлари портларидан фойдаланиб келади. Гарчи ҳудуди ва аҳолиси жihatдан Ўзбекистондан кичик бўлса-да, унда сакланиб қолган ва модернизация қилинган юқори технологияли соҳалар Ўзбекистон учун жуда фойдали тажриба майдони бўлиши мумкин.

Беларусь Республикаси қишлоқ хўжалиги, айниқса, қорвачилик ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан биридир. Унинг сут маҳсулотлари («Саушқин продукт», «Брест-Литовск» ва ҳ.к.) сифат жиҳатдан дунё стандартларига жавоб беради ва МДХ бозорини забт этган. Ўзбекистон ҳомашё сутини қайта ишлаш, замонавий сут-товар фермаларини қуриш ва селекция-наслилик ишларини ташкил қилишда Беларусь тажрибасини фаол ўзлаштириши мумкин. Мамлакат ўз ички эhtiжларини тўлиқ қоплаб, йилга миллиардлаб долларлик озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга чиқаради. Бу тизимни Ўзбекистонда ҳам кенг қўллаш мумкин.

Беларусь бугунги кунда дунёга машҳур брендларга эга. Масалан, «Беларусь» (МТЗ) тракторлари дунё қишлоқ хўжалиги техникасининг катта қисmini ташкил қилади. Оғир қарьер техникалари, масалан, дунёдаги энг йирик юк машиналари ишлаб чиқарувчи «БелАЗ» заводи айнан Беларусда жойлашган. Ўзбекистон ушбу техникаларни нафақат сотиб олиш, балки ўз ҳудудида қўшма корхоналар очиш ва маҳаллийлаштириш (локализация) даражасини ошириш тажрибасини ўзлаштирмоқда.

Беларусь «Юқори технологиялар парк» (ПВТ) орқали Шарқий Европада ўзига хос «Силикон водийси»ни яратя олган. Жаҳонга машҳур «Viber» мессенжери ва «World of Tanks» ўйини айнан Беларусдаги IT-мутахассислар томонидан яратилган. Ўзбекистон ўз ҳудудида очилган «IT-Park» фаолиятини янада такомиллаштиришда Беларусь билан тажриба алмашишда фаол давом этмоқда.

Беларусь тиббиёт тизими ва доридармон ишлаб чиқариш саноати жуда ривожланган. Мамлакат ички бозоридида дориларнинг 50 фоиздан ортиги маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон учун сифатли ва ҳамёнбод дори воситаларини маҳаллийлаштириш, онкология, кардиология ва трансплантология соҳаларида Беларусь тиббиёти тажрибасини клиникаларимизга татбиқ этиш мумкин йўналишдир.

Беларусь ҳудудининг 40 фоиздан ортиги қалин ўрмонлардан иборат. Мамлакатда ёғочни чуқур қайта ишлаш, целлюлоза ва замонавий мебеллар ишлаб чиқариш саноати юқори даражада шаклланган. Ўзбекистон қурилиш ва мебелсозлик учун зарур бўлган бу ҳомашёни қайта ишлаш ва ундан унумли фойдаланиш технологияларини ўрганиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга ташрифи доирасида икки давлат раҳбарлари қатор муҳим масалаларни муҳокама қилади. Хусусан, томонлар ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 2 миллиард долларга етказишни режалаштирган. Иккинчидан, саноат кооперациясини ривожлантириш, Тошкент ва бошқа вилоятларда Беларусь сут маҳсулотлари, фармацевтика заводи-

ри ва қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Учинчидан, таълим ва илм-фан — ҳамкорликнинг устувор йўналиши. Икки мамлакат олий ўқув юртлири ўртасидаги қўшма факультетлар (айниқса, техник ва тиббий соҳаларда) фаолиятини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Беларусь — Ўзбекистоннинг МДХ маконидидаги вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик ҳамкорларидан бири. Денгизга чиқиш йўли бўлмаган икки давлат ўзаро иқтисодий ва технологик ҳамкорлик орқали бир-бирларини тўлдирishi ва янги бозорларни забт этиши мумкин. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу расмий ташрифи нафақат сиёсий яқинлиқни мустаҳкамлайди, балки Ўзбекистон иқтисодиёти учун Беларуснинг бой саноат ва аграр тажрибасидан унумли фойдаланиш имконини берувчи янги дарвозаларни очди.

Беларусь учун Ўзбекистоннинг ҳам аҳамияти бекиёс. 38 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон Беларус маҳсулотлари учун Марказий Осиёдаги энг катта ва ўсиб бораётган бозордир. Иккинчидан, Ўзбекистон — Марказий Осиёга дарвоза. Ўзбекистон орқали Беларусь Афғонистон ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятини қўриб чиқмоқда. Учинчидан, муҳим хос ашё базаси. Беларусь енгил саноати учун Ўзбекистоннинг пахта толаси, калава ип ва мева-сабзавот маҳсулотлари стратегик аҳамиятга эга. Беларусь иқтисодиётига ўзига хос «индустриал модел»га эга бўлиб, у, асосан, экспортга йўналтирилган.

Беларусь ва Ўзбекистон муносабатлари аниқ иқтисодий ҳисоб-ки-тобларга асосланган шериклиқдир. Беларус учун Ўзбекистон ишончли стратегик таянч бўлса, Ўзбекистон учун ушбу давлат саноат ва технологиялар соҳасидаги муҳим шерикдир. Бундай тандем глобал иқтисодий инкирозлар даврида иккала давлатнинг ҳам барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мавжуд келишувларни мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим воқеа бўлиши қутилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми жорий йил бошидан буён 32 фоизга ортиб, барқарор ўсиб бораётгани, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилгани фойдаликни тасдиқлайди.

Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко ўртасидаги муносабатлар оддий дипломатик протоколлардан анча илгарилаб кетган. Икки етакчи ўртасидаги мунтазам мулоқот — ҳоҳ у икки томонлама ташрифлар бўлсин, ҳоҳ МДХ, ШХТ ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) саммитлари доирасидаги учрашувлар — муносабатларга барқарорлик ва динамика бағишламоқда. Раҳбарларнинг қарашлари кўп жиҳатдан мос келиши саноат заңжирларини тиклаш ва янги бозорларни биргаликда забт этиш имконини беради.



Бу ерда гап нафақат товар сотиш, балки технологиялар трансфери ва қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳақида бормоқда. Агар авваллари муносабатлар, асосан, ҳомашё савдосига асосланган бўлса, эндиликда диққат марказида юқори қийматли маҳсулотлар, IT ва индустриал хаблар яратиш турибди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда сиёсий қайта тикланиш 2016 йилда бошланган бўлса, иқтисодий ўсиш 2022 йилдан кейин содир бўлди. Уч йил ичида расмий Минск ва Тошкент 300 миллион долларлик товар айланмасидан орзу қилинган 1 миллиард долларга деярли яқинлашди. Бугунги кунда ҳукуматлар олдида янада қийин вазифа турибди: инерциядан қочиш ва Бешинчи халқаро Тошкент инвестиция форумида иштирок этган Бош вазир Александр Турчиннинг сузларига кўра, 2030 йилга бориб 2 миллиард долларлик мақсадга эришиш учун вақтдан илоҳи бори-ча самарали фойдаланиш.

Бугунги кунда Беларусь Ўзбекистоннинг энг йирик 10 та импорт

“ Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда сиёсий қайта тикланиш 2016 йилда бошланган бўлса, иқтисодий ўсиш 2022 йилдан кейин содир бўлди. Уч йил ичида расмий Минск ва Тошкент 300 миллион долларлик товар айланмасидан орзу қилинган 1 миллиард долларга деярли яқинлашди. ”

қилувчи ҳамкорлари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Бироқ энди гап фақат тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳақида эмас, балки уларни Ўзбекистон заминига биргаликда ишлаб чиқариш ҳақида бормоқда. Бунинг аққол исботи сифатида Тошкент вилоятининг маъмурий маркази — Нурафшон шаҳрида Беларусь тракторлари ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилганини қўрсатиш мумкин. Бундай ишлаб чиқариш майдончалари Беларусь учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ҳудуди шундай тажриба Россия, Қозғистон ва Озарбайжон каби давлатларда ҳам муваффақият қозонган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Беларусь капитали иштирокидаги 230 дан зиёд корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу рақам ўсишда давом этмоқда.

Беларусь томони Ўзбекистоннинг географик жойлашувидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз маҳсулотларини Афғонистон, Покистон ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига олиб чиқишни режалаштирмоқда. Тошкентдаги «Технопарк» каби юқори технологик марказлар эса Беларуснинг инновацион ишланмаларини Марказий Осиё шароитига мослаштириш учун энг қўлай майдон бўлиб хизмат қилади.

Беларусь саводхонлик ва олий маълумотли мутахассислар сони бўйича дунёда юқори ўринларда туради. Айниқса, муҳандислик, аниқ фанлар ва IT соҳасидаги кадрлар мактаби халқаро миқёсда тан олинган. Мамлакат ишчи кучи ўзининг интизоми ва юқори технологик усқуналар билан ишлаш қобилияти

билан ажралиб туради. Беларуснинг геосиёсий ўрнини кўпинча «Европа чорраҳаси» деб аташади. У Россия, Украина, Польша, Литва ва Латвия билан чегарадош. Беларусь Шарқий Европа ва Россия ўртасидаги хавфсизлик камари вазифасини ўтайди. Европа ва Осиёни богловчи энг қисқа куруқлик йўллари ушбу давлат орқали ўтади. «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида Хитойдан Европага йўналтирилган темир йўл юк ташишларининг катта қисmini айнан Беларусь ҳудуди-дан ўтади. Ўзбекистон учун ушбу мамлакат билан ҳамкорлик нафақат Европа бозорига чиқиш, балки юқори технологиялар ва замонавий саноат бошқаруви тажрибасини ўзлаштириш учун муҳим стратегик танловдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги иқтисодий муносабатлар шунчаки товар айирбошлаш чегарасидан чиқиб, стратегик «индустриал шериклик» даражасига кўтарилди. Икки мамлакат эндиликда ҳомашё ва технологияларнинг ўзаро синергиясига асосланган янги иқтисодий мо-

дель устида ишламоқда. Ўзбекистон бозори Беларуснинг машҳур брендлари учун савдо майдони ва истикболли шериклик платформасига айланди. «Витебск карпетс» (Витебск гиламлари) ва «Милавица» каби брендлар аллақачон ўзбек истеъмолчилари қалбидан жой олиб, ўз мавқеини мустаҳкамлади. «Моготекс» ва «Орша» зигир фабрикасида сифатли матолар етказиб бериш бўйича келишувлар яқунли босқичга кирди.

Бу ҳамкорликнинг энг қизиқарли жиҳати шундаки, у икки томонлама фойдага асосланган. Масалан, бугунги кунда Беларусдаги ҳар тўртинчи трикотаж буюм ўзбек пахтасидан тайёрланади. Бу икки давлат ўртасидаги ҳомашё заңжир нақадар мустаҳкам эканини кўрсатади.

Замонавий дунёда давлатнинг рақобатбардошлиги, аввало, унинг интеллектуал салоҳияти, билимлар иқтисодиёти ва инсон капиталли билан белгиланади. Шу боис бугун Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорликнинг энг истикболли йўналишларидан бири айнан олий таълим ва илм-фан соҳаси экани бежиз эмас. Агар иқтисодий ҳамкорлик бугуннинг тараққиётига хизмат қилса, таълим соҳасидаги шериклик эртанги куннинг муваффақиятини таъминлайди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бугун олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқалар алоҳида келишувлар билан

чекланиб қолмай, кенг қамровли академик шериклик тизимига айланмоқда. Қўшма таълим дастурлари, факультетлар, институтлар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, илмий тадқиқотлар ҳамда малака ошириш лойиҳалари икки мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини бирлаштирувчи муҳим майдонга айланди.

Сўнгги расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ва Беларусь олий таълим муассасалари ўртасида 180 дан ортиқ қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Уларнинг негизида қатор қўшма факультетлар ва институтлар ташкил этилган икки мамлакат ўртасидаги академик ҳамкорликнинг изчил ва тизимли тус олганидан далолат беради. Бу кўрсаткич нафақат ҳамкорлик қўламини, балки томонларнинг билим ва инновацияларга таянган тараққиёт моделига содиқлигини ҳам намойён этади.

Мазкур ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети ўртасида ташкил этилган қўшма ахборот технологиялари факультетини алоҳида қайд этиш жоиз. Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётган бугунги шароитда мазкур факультет икки мамлакат учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилаётган муҳим таълим майдонига айланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқларро амалий техник квалификациялар институтга ҳам таълим соҳасидаги стратегик ҳамкорликнинг амалий ифодасидир. Беларусь миллий техника университети билан ҳамкорликда фаолият юритаётган мазкур институт саноат, муҳандислик ва ишлаб чиқариш тармоқлари учун халқаро талабаларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутди.


Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги ҳамкорлик фақат диплом бериш ёки мутахассис тайёрлаш билан чекланмади. У икки мамлакатнинг илмий мактаблари, инновацион ёндашувлари ва замонавий таълим технологияларини ўзаро бойитишга хизмат қилмоқда. Академик ҳамкорлик орқали шаклланаётган интеллектуал муҳит эса келажақда иқтисодиёт, саноат, рақамли технологиялар ва инновациялар соҳасида янги қўшма лойиҳалар учун мустаҳкам замин яратди.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон Президентининг Беларусга ташрифи ва у ерда бўлиб ўтadиган олий даражадаги учрашувлар ҳамда имзоланадиган келишувлар, ахдномалар икки давлатни янги иқтисодий воқеликда бир-бирини қучайтирувчи стратегик қутбларга айлантиради. Келажақдаги қўшма корхоналар ва технология заңжирлар нафақат ҳар икки мамлакатда, балки бутун минтақада янги саноат инқилобининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Садритдин ТУРБОХОНОВ,
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

МЕҲР ВА
ЭЪТИБОРДАН
БОШИМ КЎККА ЕТДИ

Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказган очик мулоқоти ҳамда унда илгари сурилган ҳаётбахш таклиф ва ташаббуслар навқирон авлод вакиллари-нинг кўнглини тоғдек кўтарди.



Дил сўзи

Менин ҳаётимда янада унутилмас из қолдиргани шу кунни пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида ташкил этилган махсус кўргазмада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим.

Бу ҳаётда инсон ўз олди-га мақсад қўйса, унга интиласа, албатта, эришади. Имкониятм чекланганига қарамай уйда таълим олаётган ўғил-қизлар учун “Ўқи ва юксал” деб номланган лойиҳани амалга оширяпман. Шу лойиҳа тўғрисида сўзлаб берганимда давлатимиз раҳбари мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Мен учун ҳудди тушга ўхшайдиган бу дақиқалар ҳаётимда туб бурилиш ясади. Ўзимга бўлган ишонч ўн ҳисса ошди. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан олий ўқув юртига давлат гранти асосида ўқиш имкониятига эга бўлдим.

Шу ўринда лойиҳа ҳақида қисқача тўхталсам. “VoiceUp — 2026” инклюзив оромгоҳида мазкур лойиҳа билан иштирок этдим. Ундан қўзланган мақсад ҳудди ўзим каби имконияти чекланган болаларни давлатимиз яратиб берган шарт-шароит-

Мухими, болаларнинг ўзларига ишончлари ошмоқда. Эндиликда бу лойиҳани туман, вилоят, қолаверса, бутун юртимиз бўйлаб татбиқ этиш ниятидаман. Токи, ногиронлиги бўлган ҳар бир бола ёшлар учун яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдалансин, қатъиятли, матонатли бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топсин.

Ниятим — ижтимоий соҳа ходими бўлиш. Бугун менга кўрсатилаётган меҳр ва эътиборни эртага бошқаларга улаиши мақсадидаман. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бу эзгу ишда менга қанот бўлмоқда.

Чинора ГҲЛОМОВА,
Вобкент туманидаги 17-умумтаълим мактаби битирувчиси, «Келажақ бунёдкори» медали соҳиб.

Хушхабар

АНДИЖОНДА
БЕШ ЭГИЗАК
ДУНЁГА КЕЛДИ

Андижон шаҳридаги 2-туғуруқ мажмуасида бир вақтнинг ўзида беш нафар эгизак — уч қиз ва икки ўғил туғилди. Онда кўп ҳомилалик кузатилгани боис туғуруқ муддатидан олдин кесарча кесиш амалиёти орқали ўтказилди. Ушбу чақалоқларнинг вазни 1205 граммдан 1605 граммгача бўлиб, ҳозирда улар ҳам, онаси ҳам мутахассислар назорати остида.

— Бундай ҳомиладорлик тиббиёт амалиётида жуда кам учрайди ва юқори даражадаги тайёргарликни талаб этади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Равноҳон Турдубоева. — Туғуруқ муваффақиятли ўтган бўлса-да, чақалоқлар муддатидан олдин туғилгани учун махсус парваришга муҳтож, асосийси, уларнинг ҳаётий кўрсаткичлари барқарор. Онам ўзини яхши ҳис қилмоқда ва барча зарур даволаш ҳамда парвариш ишлари олиб бориляпти.

Айни пайтда она ва беш нафар чақалоқ ихтисослаштирилган тиббиёт муассасасига ўтказилган бўлиб, уларнинг саломатлиги доимий назоратда сақланмоқда.

Эътиборлиси, ўтган ойда ҳам Андижон шаҳрида тўрт эгизак — уч ўғил ва бир қиз туғилган эди. Бу каби мураккаб туғуруқларнинг муваффақиятли ўтказилаётгани вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизими имкониятлари янада юксалиб бораётганини кўрсатади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

УЧҚУДУҚҚА ПОЕЗД ҚАТНОВИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Хабарингиз бор, “Халқ сўзи” газетасининг жорий йил 1 апрель сонида “Депутатлар нега безовта?” сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида қатор долзарб масалалар муҳокама қилингани хусусида сўз юритилган. Айниқса, депутатлар томонидан “М-379” Навоий — Зарафшон — Учқудуқ автомобиль йўлида юклама ортиши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари ошиб бораётгани таҳлиқали ҳолат дея баҳоланиб, мазкур йўналишдаги темир йўл имкониятларидан фойдаланиш, йўловчи ташвиш хизматини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилган эди.



Кулайлик

Шу асосда Кенгашнинг мутасаддиларга йўллаган мурожаати қаноатлантирилиб, Навоий — Учқудуқ йўналишида йўловчи поезд қатнови бошланди.

Поезд ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳаракатланиб, йўловчиларга хизмат кўрсатади. Илк йўловчиларнинг таъ-

кидлашича, вагонларда кондиционерлар ёрдамида салқин ҳарорат таъминланиб, мониторларда намоийш этилган турли мавзулардаги курсатувлар туфайли олти ярим соат вақт қандай ўтганини сезмай қоласиз. Энг муҳими, мутлақо хавфсиз ва атиги 20 минг сўм билан қарийб 330 километр йўл босиб ўтилади.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЁШЛАР УЧУН
ЗАМОНАВИЙ
МАРКАЗ

Бойвут туманида Ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга қаратилаётган ислохотлар эътироф этилди. Ушбу марказ ҳам ана шу юксак эътиборнинг амалий самараларидан биридир.

Тухфа

Марказда IT хоналари, замонавий кутубхона, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиш йўналишлари, турли тўғараклар мавжуд ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

— Ёшлар марказининг фойдаланишга топширилиши туманимиз йигит-қизлари



Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Покистон инвестицияси иштирокида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида тузни чуқур қайта ишлаш корхонаси қурилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибқилиш 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6